

# Тошкент халқига

РўЗНОМА 1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

## Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

### Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши саккизинчи сессиясининг иши тўғрисида **АХБОРОТ**

18 ноябрь кун Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Иўлдошев кириш нутқи сўзлаб очди.

Депутатлар сессия юртибятини сайлашлар ва сессия кун тартибин тасдиқлашлар. Олий Кенгаш муҳокамасига 29 та масала киритилган.

Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисидаги, ноғиронларнинг ижтимоий ҳаётдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, давлатнинг ёшларга доир сиёсати асослари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тамғаси тўғрисидаги, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги, ҳакамлик суди ва давлат низоолини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонуни лойиҳалари ва бошқа масалалар бор.

Давлат байроғи тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида мидлатларо муносабатлар, тил ва маданият масалалари

комитетининг раиси П. Қ. Қодиров сўзга чиқди. Муҳокамадан сўнг қонуни қабул қилинди.

Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги Шартнома ҳақида, Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги Шартнома лойиҳаси ҳақида, Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикаси, Украина, Беларусь Республикаси билан тузган давлатларо Шартномаларни тасдиқлаш ҳақида, РСФСР билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий битим ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Олий Кенгаш давлатларо шартномаларни тасдиқлаш. Депутатлар Қонунийлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Қ. Ҳалиловнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги ва Референдуми ҳақидаги қонуларнинг лойиҳалари тўғрисидаги масалалар юзасидан қилган маърузаларини тингладилар.

Моддама-модда муҳокама қилингандан сўнг қонулар қабул қилинди. Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 1991 йил 29 декабрга тайинлади. Шу кун Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги

тўғрисидаги Референдум, шунингдек Тошкент шаҳри хокимининг сайлови ҳам ўтказилди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Назорат палатасини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган қонуни лойиҳаси ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

«Ўзбекистон Республикасида ноғиронларнинг ижтимоий ҳимояланishi ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси тўғрисида Фахрийлар ва ноғиронлар ишлари комитетининг раиси Р. Қ. Абдуллаев маъруза қилди. Бу қонуни ҳам қабул этилди.

Депутатлар «Мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Иқтисодий ислохот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Хўжаев маъруза қилди.

Музокараларда халқ депутатларидан С. Бобомуродов, А. Исаев, Ҳ. М. Мансуров, М. Саидов, Т. Қошиқов, А. Юсупов, К. А. Исроилов, Э. Ҳакимов, Ҳ. З. Ниёзимиддилов сўзга чиқдилар. Олий Кенгаш сессияси ўз ишини давом эттиради.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

#### РЕСПУБЛИКАНИНГ ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДАГИ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА МАДАД БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Республиканинг Давлат таъминотидаги аҳолиси моддий ва ижтимоий-маънавий шароитини яхшилаш юзасидан кезиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан ва уй-жой коммунал тармоқлар (номоддий ишлаб чиқариш соҳалари) ҳодимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 40—50 фоиз оширилсин.

2. Олий ўқув юртлири студентларнинг, техникумлар ҳамда республика ҳукуматининг қарорларига биноан кийим-кечак ва оғзақ билан таъминланмаётган хуна-техника билим юртлири талабаларининг стипендиялари 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 30 фоиз оширилиб, ишга-ли оватланишга қўшимча ҳақ аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг кам миқдори ойига 200 сўм ҳажмида белгилансин. Бунда ишламайдиган пенсионерларга бериладиган ойлик компенсация тўловлари аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг кам

миқдори ойига 200 сўм ҳажмида белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчилари, болалар ўқитувчилари, тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги 1990 йил 13 ноябрь фармони 1992 йил 1 январидан бошлаб республика ҳуна-техника таълими системаси ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳам жорий этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида мазкур фармоний амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни назарда тутиб қарор лойиҳасини тайёрлаш ва қўриб чиқиш учун тақдими этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунийликни мазкур фармонга мувофиқлаштириш ҳақида тақлифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
**И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1991 йил 16 ноябрь.

#### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY KENGASHINING QARORI

#### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVINI TAYINLASH TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991 йил 29 декабрь, яқинба кунга белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 24 мартда сайлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ваколатлари умумхалқ сайловида галиб чиққан президентликка номзод ўз вазифини бажаришга киришган кун тугайди.

#### Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 18 ноябрь.

#### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY KENGASHINING QARORI

#### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMINI UTKAZISH TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

1. 1991 йил 29 декабрь, яқинба кун Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг Референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала кундаги таърифда киритилсин: «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан тўлиқ қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?»

#### Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 18 ноябрь.



● СУРАТДА: сессия қатнашчилари ўзаро мулоқотда.  
Р. ЖУМАНИЕЗОВ, Р. НУРИДИНОВ сурати. (ЎЗАТАГ).

#### ЎЗБЕКISTON XALQ-DEMOKRATIK PARTIYASINING NIZOMI RUYXATGA OLINDI

Маълумки, биринчи ноябрь кун Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таъсис сўзиди бўлган эди. Унда партиянинг Дастури ва Низоми тасдиқланган, раҳ-

бар органлари сайланганди. Мана энди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хайъатининг мажлисида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низоми рўйхатга олинди. Ўзбекистон «Прометей» ва-

танпарварлик қидирув бирлашмасининг, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг, «Мовароуннаҳр» хайрия уюшмасининг низоомлари ҳам рўйхатга олинди. (ЎЗАТАГ).

**ШОҚОСИМ** ака Навоий номи жамоа ҳўналинда механик ҳайдовчи бўлиб ишлаб, турмуш ўрғони ўринпоша эса тўғрунхонада ҳамшира эди. Топпи-тушларни ёмондасди. Ҳарқалай машинларни қўларига теккунча учма-уч етарди. Лекин оила кўп болали бўлгани учун баъзан у-бу нарсаларда узиллишлар ҳам бўлиб турарди. Бундан ота азият қорқиб, фарандларининг қорқини тўқ, устини бут қилиш йўлида ҳар қандай оғир меҳнат қилишга ҳам тайёр эди. Бир томондан натта қизи ҳам бўлиб етиб келаяти. Кичкина ўғлига эса эл, халқ берган тўйини бермас бўлмас. Шунинг учун у меҳнатдан чўчимади, фақатгина меҳнатдан келган даромад, бойлик тўғрисидаги рўзгор юқини кўтариш осон кечинини яқин биларди.

У эрталаб барвақт уйғонди. Анчадан бери ўйлаб юрган режалари ҳақида бугун бир тўхтамага келди. Турмуш ўрғони ўринпошани чақирди.

— Маслаҳатли иш бор, онаси... деди.

— Ишқилиб хайрли иш бўлсин-да, — кўнглидан ўтнади ўринпоша.

— Молларни кўпайтир-

## ОҚҚЎРҒОНЛИК ФЕРМЕР

даромад бир йилда 15 миң сўмни ташкил этди. Ҳамма жойда бўлгани каби ноҳияда ҳам шахсий эрдәмчи ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолият кўрсата бошлади. Бундан боқиб қарор қилди. Агар ишлари юрчибо кетадиган бўлса, шахсий фермер хўжалиги

ююшма эрдәмда етти беш қорамол ва 25 беш қўй сотиб олди. Айни кунларда фермер оталинда қорамоллар беш сони 15 тага етди. Шу билан бирга 25 беш қўй ва 30 та тоғуви ҳам боқишляпти.

Бу фермер ҳақида менга кўпчилик фақатгина илғи сўзлар айтишди. Уларнинг амалга ошираётган ишлари

#### • Ишбилармон кишилар

ташқил этишга қатъий бел боғлади. Эр-хотини бамаслаҳат Оққўрғонга йўл олишди. Ююшма раиси Абдужаббор Оққўлов уларни оқин чехра билан кўтиб олди. Сузларини тинглаб, ниятларини англаб, жуда яқин, биз эрдәм берамиз, деди жиддий оҳангда. Шартнома асосида ҳисоб йўли билан 35 миң сўм қарз берадиган бўлди. Шоқосим ака тегишли хўжалиқларни қўлига олгач,

ёканман, ҳар бир ишнинг пухта қилинганлигига амин бўлдим. Ҳовилининг бурчада моллар учун маҳсул жойлар ҳозирланган. Моллар қўриқни, ранги гоша ва таги озода.

— Ҳовини анча тор экан, қишда қийналиб қолмайсизларми?

— Йўқ, ҳозирча жой етарли. Лекин, ем-хашақ масаласида бироз қийинчилик бўлиши мумкин. Ҳар қалай колхоздагиларга кўчқувват берсин, нарашиб турибди. Вақтида ем-хашақ етказишляпти. Лекин битта томон бор. У ҳам бўлса, ер масаласи. Тўғри, 20 сотих ермиз бор, бу кам-да. Агар бизга етарли миқдорда ер берилса, ем-хашақни ҳам ўзимиз ёпардик. Молларни кўпайтириш имконияти ҳам туғиларди. Ана унда фақатгина сўт эмас, ҳаттоки гўшт ҳам топирирдик. Ююшма ер масаласини ҳал қилишга ваъда беряпти-ю, лекин...

Соғиб олинаётган сўтин иложи бўлса, болалар боғча-

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY KENGASHI KOMITETLARIDA

16 ноябрь кун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши нег мамлакатлар билан алоқалар комитетининг навбатидаги мажлиси бўлди. Уни комитет раиси П. Қ. Ҳабибуллаев олиб борди.

Мажлисада суверен Давлатлар иқтисодий ҳамжамияти тўғрисида шартнома хусусидаги, Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги давлатларо муносабат асослари ҳақидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь ўртасидаги давлатларо муносабат асослари тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги давлатларо муносабат асослари тўғрисидаги шартнома ҳамда РСФСР билан Ўзбекистон Республикасининг расмий делегациялари ўртасидаги музокара-ларнинг якунида юзасидан баёнот хусусидаги масалалар муҳокама қилинди ва маъқуланди.

Мажлисада қонуни ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси боғнона хизмати-нинг роли ҳамда комитетнинг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги» қонунни бажариш соҳасидаги тадбирлари ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

#### САМОЛЕТСОЗЛАР ЮБИЛЕЙИ

Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ярим асрлик юбилейини нишонламоқда. Москва вилоятидаги Химкидан кўчирилган авиация заводининг дастгоҳлари ортлган 17 та эшelonнинг биринчиси 50 йил муқаддам Ўзбекистон пойтахтига етиб келган эди. Ҳозир қорқона ўзининг бутун дунёга машҳур бўлган машиналари ҳамда «Русан», «Мрия» каби қудратли авиалайнерлар учун деталлар ишлаб чиқарадиган янги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига айланди. Бирлашмада мамлакатдаги жуда кўп илгирликнинг вақиллари аҳли олмас меҳнат қилмоқда.

15 ноябрь кун самолётсозларнинг В. Н. Сивец номи маданият саройида қорқона мобилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бирлашма бosh директори В. Н. Журавлев тўп-ланганларга Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўп миң ишонли жамоаси босиб ўтган шонли йўл тўғрисида сўзлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов самолётсозлар жамоасини табриқлаш учун келди. У самолётсозларни самийий қўллаб, йиғилиш қатнашчиларини республика иқтисодий ва жамоат ҳаётидаги вазият, Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари меҳнатқиллари турмуш шароитини яхшилаш учун амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Ф. НАЗИРОВ,  
(ЎЗАТАГ мухбири).



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сибсати ва кундалик фаолиятининг олий мақсади — меҳнат аҳли ва ҳар бир оиланинг миллат, дини, этники, ижтимоий аҳоли ва келиб чиқишидан қатъи назар моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечирishi учун тенг имконият яратиш, кишиларнинг конституцион ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини қамолатлаш, шон-шарафи ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечирishини инсончи димо қилишдан иборатдир. Партия халқ мададига таян-

ган ҳолда адолат жамиятини яратишда астойдил қатнашиш ниятдадир. Партия Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ва бошқа энг муҳим халқаро ва давлатлараро ҳужжатларни тан олувчи муқтақил демократик давлат сифатида шаклланиш ва тараққи этиши учун барча чора-тадбирларни ишга солади. Партия ушбу мақсадларга ҳайрихоҳлик билан қаровчи барча ижтимоий кучлар билан ҳамжиҳатликка интилади.

лайди. У демократик йўналишдаги хоржий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш учун доимо тайёр эканлигини билдиради.

### III. ИНСОНИ ИЖТМОИЙ ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТАЙЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг давлатнинг сибсати ҳамда фуқаролар оёишатидаги ва миллатлар тотувлиги сибсати бўлиб қолишига интилади. У муқтақил Ўзбекистоннинг Конституцияси таёрланаётганлигини қўллаб-қувватлайди, республикадаги барча кишиларга миллатдан, ижтимоий аҳолидан ва насл-насабидан, диндан ва этникидан қатъи назар ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан ўзига хос маънавий аънавларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, фарзандларини она тилида тарбиялаш ва ўқитиш, диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш, тарихий ва тачан билан алоқа қилиб туриш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун тенг шартлар яратиб берилиши тарафдордир. Яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ёрдам каби асрий халқ аънавлари жамиятни бирлаштириш негизи бўлиб қолиши керак. Партия дошинамдлик ва тажриба соҳиблари сифатида, маданий ва маънавий мерос давомийлигини қамқилиш сифатида кеска авлодларга нисбатан аънавий иззат-ҳурматни сақлаш ва ривожлантиришни ёқлайди.

Ғаразли сибсий мақсадлар ва митингбузлик стихияси эмас, балки қонуқ ҳукмрон бўлган жамият сари йўл — партиянинг бош йўналишидир. Партия давлат билан фуқаро бир-бирининг ҳуқуқини ҳурмат қилиб ўзаро масъул эканликларини аниқлаш тарафдордир. Партия халқ ҳокимиятини муқтақамлаш, давлат билан жамият ишларини бошқаришда халқ иштирокнинг тенг хилма-хил шакллари ривожлантириш йўлида қаттиқ туради. Партия ўзининг бутун сибсий фаолияти билан ҳуқуқий давлатнинг қарор топишига қўмақлашиш ниятдадир. Бундай давлатда демократия ва қонуқчилик, ҳокимиятни қонуқ чиқаруви, ижроия ва суд ҳокимиятларига ажратиш йўли билан таъминланади. Демократиянинг асосларидан бири — дунёвий ҳокимият қондаси муқтақил қарор топтирилиши лозим.

Барча учун баробар, муқтақил, барча томондан тан олинмадан ва ҳурмат қилинмадан оқил суд давлатнинг ва ундаги ҳар бир фуқаронинг манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳимо қилиниши тўлиқ таъминланиши даркор. Партия жамиятдаги барча соғлом кучларнинг қонуқсизлик ва жиноятчиликни айнакка уштан жиноятчиликни ва уларни юзага келтирувчи шартларни қўриб ташлаш учун бирлашуш тарафдордир.

### IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИНСОН МАНАФАТЛАРИНИ ҚЎЗЛОВЧИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТМОИЙ СИЕСАТИНИ УТКАЗАЙЛИК

#### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИ ХИСОБА ОЛИБ, БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЭТАЙЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг иқтисодий муқтақиллиги сибсий муқтақиллик қуруқ галдан иборат бўлиб қолади, деб ҳисоблайди. Партия Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сибсати ҳар бир инсон, унинг оиласи, аҳолининг турли қатламлари, жамик халқнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида қурилиши қўллаб-қувватлайди. Унинг заминда «Ойла ривақи — давлат ривақи» деган қоида бўлиш шарт.

Партия республиканинг ижтимоий-иқтисодий тангликдан чиқишининг янги йўллари ахтариш ва ҳозирда аниқланган ижобий йўллари ривожлантириш, Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ва демографик тараққиети хусусиятларини, кўпчилик аҳолини турмуш тарзи ва урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда бозорга ўтиш тарафдордир.

Бозор муносабатларини аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжлари устиворлигини таъминлайдиган, ҳар томонлама ўйлаб ёндашилган ва аниқлаб этилган ислохлар асосида олиб борилиши маъқул. Партия баранкали меҳнат қилиш учун моддий манфаатдорлик, тадбиркорлик, хусусий ташаббускорликни рағбатлантириш, мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш учун курашади.

Партия меҳнат аҳлининг ишлаб чиқариш воситалари ва ўз меҳнати натижасининг ҳақиқий соҳиб бўлиши, хусусий мулкчиликнинг амал қилмадан соҳаларини кенгайтириш кўп укладли иқтисодий ва бозор муносабатлари ривожининг муқим шарт, деб билади. Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жамоатчиликнинг қаттиқ назорати остида бўлиши керак.

Давлат мулкчилиги фақат санаотнинг базис тармоқлари, ҳаво ва темир йўл транспорти, алоқа, магистрал коммуникациялариданла ҳукмронлик мақсиди сақлаб қолиш керак. Бошқа тармоқларда акционерлик, жамоат, қишлоқ, хусусий корхоналар ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратмоқ лозим. Ишловчиликнинг ижтимоий ҳимоланиши ва улар фаолияти устидан давлатнинг иқтисодий назоратини таъминлаш шартдир.

Партия ери мерос қилиб қолдириш шарт билан шахсий фойдаланишга ва ижарага бериш тарафдордир. У давлат, ширкат, жамоа, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг тенглигини ёқлайди. Партия иқтисодийнинг чуқур тарихий қайта қуриши, халқ ҳўжалигини бир томонлама, яқка ҳокимиядан мерос бўлиб қолган хом ашё йўналишини тезроқ бартараф этишни қўллаб-қувватлайди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариши бўйича тармоқларнинг иқтисодлашган турларини, фан-техника тараққиёт ютуқлари ва замонавий усуллари кенг жорий этиш асосида хом ашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни бунёд этиш, мудоффа корхоналари соҳасини ҳам пухта ўйлаб ва оқилона тарада ўзгартириш зарур.

Партия ташкилотларнинг асосий диққат-этибори жаҳон савиясида фаолият қурсата оладиган миллий ишчи кадрлар, мутахассислар тайёрлашга қаратилиши даркор.

Партия ташкилотлари республиканинг инженер ва иқтисодий кадрларини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ қайта ўқитиш учун давлат томонидан қурилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлайди ва уларни амалга оширишда бевосита иштирок этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясини пахта яқкаҳокимлигини рад этади. Деҳқончиликда шундай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши керакки, токи республика ва унинг аҳолисининг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун ишлаб чиқариш қатнашувчиларининг моддий манфаатдорлиги оширилиши.

Партия миллий метеморчиликни, халқ ҳўнранмачилигини, бадий ижодиёти, халқ усталари ишлаган буюмларга мўжассамланган ўзига хос маданиятни тиклашда фаол қатнашиш ниятдадир. Партия она табиятга гамҳўрлик билан муносабатда бўлишни, атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш, жаҳоншумул ва минтақавий экологик муаммоларни илмий асосда ҳал этишни қўллаб-қувватлайди.

Партия ҳалокат ёқасида турган Орolni қўтариш, Орولбуйи ва Ўзбекистоннинг экологик носоглом минтақаларида яшаш шартларини яхшилаш учун астойдил ҳаракат қилади. Ўзбекистон Халқ демократик партиясини бу юмушларни амалга оширишда манфаатдор республикалар ва бошқа халқаро ҳамжамиятлар билан ҳамкорлик қилишига тайёр.

Партия Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган бошқа республикалар билан тенг ҳуқуқли ва

ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш, ягона иқтисодий маконни шакллантириш, тўпланиб қолган муаммоларни тезроқ ҳал этишга қўмақлашади, деб ҳисоблайди.

Партия республиканинг хоржий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатиши, улар билан биргаликда илмий-техникавий, савдо-сотиб, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиши, муштарак корхоналар, концессиялар ва эркин иқтисодий зоналар барпо этиш масалаларини ўзаро фойдаланган ва тенг ҳуқуқли асосда ҳал қилиши тарафдордир. Бунинг учун барча зарур иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясини белгилаган режалар амалга оёса, суверен Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи бекаму-кўст бўлишига ишонади.

### AХОЛИНИ ИЖТМОИЙ ҲИМОЯЛАШ КАФОЛАТЛАРИ — БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЭТИШИНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Республиканим аҳолисининг ҳаёти тўқис бўлиши, уларни ижтимоий адолат қондларига оғишмай амал қилиши партия фаолиятининг асосий мақсиди. Партия, давлат идораларининг вазифасини солиқ сибсати, имтиёз ва бошқа иқтисодий воситалар орқали аҳолининг бир қатламнинг қашқоқланиши ҳисобидан бошқа қатламнинг бойлишини истисно этишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари аҳолининг кам даромадли ва энг ночор қисмининг ижтимоий жиҳатдан инсончи ҳимо қилинишига эришиш учун ҳаракат қилишлар, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун меърий турмуш шартини яратиш, нафақа таъминотини изчилик билан яхшилаш; уларга алоҳида гамҳўрлик қилиниши тарафдордир. Тиркичилик қимматлашувининг ўрни муҳтоқларга кундалик зарур молларни имтиёз нархда сотиш, жамғармаларни ва даромадга пенсия, нафақа, стипендияларни қўшган ҳолда индексациялаш орқали қопланиши зарур. Соғлиқни сақлаш, даволаш муассасалари, сифатли тиббий хизмат қўрсатиш, уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқи барча учун баробар бўлишини сақлаб қолиш керак.

Партия бозор муносабатларига ўтиш шартини қишлоқ кишиларини, айнакка ёшларни иш билан таъминлаш муаммоларига этибор қилиш қарайди. Қўшмакка иш жойларини барпо этишда маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, серфарзандлик, туғилиб ўсган заминда қўпроқ болганиб қолши одаларини ҳисобга олмақ зарур. Бу қийин, лекин шарафли вазифани «Иш билан бандлик» республика давлат дастури доирасида рўёбга чиқариш аҳамиятга моликдир.

Республиканим қишлоқларидаги аҳолининг меҳнат ва турмуш шартини яхшилаш партия ижтимоий сибсатининг асосий вазифаларидан биридир. Қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолини газ ва сув билан таъминлаш учун пул қарз бериш, инвестиция сибсатини қўллаб-қувватлайди.

Шахсий ёрдамчи ҳўжаликлар ва тармоқларни янада муқтақамлаш гоит муқим давлат вазифаси бўлиб қолади. Партия бу нарсани қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳимоланиши, яқка тартибда уй-жой қурилиши, жамоат ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган кўп болали оналарни иш билан таъминлаш, оналарнинг ўзини-ўзи таъминлаши ва озиқ-овқат бозорини тўлдирши учун озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш масалаларини ҳал этиш йўлида зарур асос яратиш, деб ҳисоблайди.

Партия ташкилотлари шахсий ёрдамчи ҳўжаликларга эгалари уюшмаларининг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги деҳқонни ижтимоий ҳимо қилишга қаратилган ҳаракатини қўллаб-қувватлайди.

### ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — ПАРТИЯ ИЖТМОИЙ СИЕСАТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШИ

Партияни ташвишга солаётган энг муқим муаммолардан бири халқнинг ирсий фондини соғломлаштиришидир. Бу масалани ҳал этиш йўли оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид махсус давлат дастури билан белгилашни керак.

Партия аёлларга — оналар ва болаларга тиббий хизмат қўрсатиш даражасини кескин ошириш учун курашади. Янги туғилган заиф чақалоқлар учун даволаш ва соғломлаштириш марказлари тармор, шафқат хизматини барпо қилиш, ҳимолдор аёлларга ёрдам қўрсатиш, болалар ўрғасида ўлимни камайтириш йўлидаги дастлабки қадамлар бўлиши керак.

Партия аёллар болаларни тарбиялашга доир асосий вазифаларни меҳнат ва жамоат фаолияти билан оқилона қўллаб олиб боришлар учун давлат уларнинг иш билан бандлиги, уларни касбга тайёрлаш, меҳнат ва турмуш шартларини яхшилаш тизимини жорий этиш керак, деб ҳисоблайди. Партия ташкилотлари оғир ва зарарли ишларда хотин-қизлар хизматини кескин камайтиришга, касаначиликни ривожлантиришга сабот билан ҳаракат қилади. Зарур имкониятлар яратиб берилган сайн болалик аёлларга иш ҳақи ва пенсия таъминотидаги тенглиш компенсация тўлаш билан бирга уларни қисқартирилган иш ҳафтасига ўтказишни қатъий билан талаб қилади.

Партия ёш оналарнинг оёққа туриши ва муқтақамланиши учун кулай шарт-шароитлар яратишга катта аҳамият беради. Биз ёш оналарга имтиёзлар беришни кенгайтириш, уларга имтиёзли кредит ва қарз бериш, оилавий ётоқхоналар, ёшлар уй-жой қурилиш мажмуи тармоқларини жадал кенгайтириш тарафдордир.

Партия ташкилотлари меҳнат жамоаларининг болалар уйлари ва кўп болали оналарга оталиқ қилишга, уларга ўз маблаглари ҳисобдан моддий ёрдам қўрсатишга доир ташаббусни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайди.

### ЎЗИДА МАДАНИИ ВА ТАРИХИЙ МЕРОСНИ МУЖАССАМЛАШТИРГАН ЕШ АВЛОД ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФАТ ВА ТАРАҚҚИЕТ ЧўҚҚИЛАРИГА ЭРИШИШДА АСОСИЙ ТАЯЙҚДИР

Еш авлод республика тақдирини ўз қўлига олиши ва уни инсон билан тараққиёт ва гуллаб-йишани сари бошлаши керак. Ўзбекистон Халқ демократик партиясини давлатнинг ёшларга нисбатан изчил, ягона сибсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришини ташаббускори ва сибсий гаровчи бўлиш ниятдадир. Партия ёшлар халқнинг инсонпарварлик ва маънавий аънавларининг муносиб вориси бўлиши, жаҳон маърифати ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига мўжассамлаштириш учун жамият ҳамма иши қилиш лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясини барча ёшлар миллати, ижтимоий аҳоли, тили, динга муносабатидан қатъий назар билим олиш учун тенг имкониятга эга бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Давлат мактаби билан бир қаторда аҳолининг хилма-хил эҳтиёжларини ҳисобга оладиган мувофиқ мактаб ҳам бўлиши мумкин. Бунда давлат, жамоат мактаби, шубҳасиз, фақат дунёвий бўлиши лозим.

Партия мактабга тарбия, умумий таълим ва олий мактаблар чуқур изоқ қилиниб, энг яхши миллий аънавларга таянмадан ҳамда таълимнинг барча шаклларида жаҳон стандартлари ютуқларини қўлайдиган бўлиши тарафдордир. Умумий таълим мажмуининг моддий базасини муқтақамлаш, ўқувчилар, талабалар ва муаллимларни янгиломий ҳурматни таъминлаш, муаллимларга аънавий ҳурматни тиклаш керак.

Гоит қобилияти болаларни жуда ёшлигидан аниқлаш, улар учун иқтисодлаштирилган ўқув юрлари барпо этиш, истеъодли ёш олимлар ва талабаларни мамлакатнинг етакчи илмий ва ўқув марказларига ҳамда хоржийа юбориш давлат сибсатининг устивор йўналиши бўлиб қолиши лозим. Ёшларга чет тилларни ўргатиши, уларни республиканинг жаҳон бозорига чиқиб олиши билан боғлиқ фаолият соҳасида тайёрлашни анча кенгайтириш зарур.

Бунда таълим учун тобора ўсиб бораётган ҳаракатларни давлат ўз зиммасига олиши керак. Олий ва ўрта мактабни ривожлантиришнинг мураккаб муаммолари ўқувчи ёшлар ҳамда уларнинг оилалари ҳисобига ҳал қилинишига йўл қўйиб бўлмади.

Ўқув юрлари ва илмий муассасалар муқтақиллигининг ривожлантирилиши, уларнинг ташкилий шакллари-

нинг хилма-хиллиги таъминланиши керак. Аини пайтда партия ўқув юрларини таълим-тарбия вазифаларини ҳал этишга тўқислик қилмадан сибсий эҳтирослар майнингдеги айланишни юборишга қатъий қаршидир. Шунингдек у ижтимоий фанларни ўқитишдан тарихни соҳташтириш ва сибсий оғру ортириш учун минбар сифатида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмади, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясини республика ёш фуқаролардан меҳнатсеварлик ва ахлоқийликдан иборат кеска қондларни шакллантиришда барча давлат ва жамоат тузилмалари ҳамкорлик қилиши тарафдордир. Мана шу олимонаб ишда оилалар, маҳаллалар, ўқув юрлари, маданий муассасалари ва оммавий ахборот воситалари куч-гайратларини бирлаштириш тарафдордир.

### V. ЖАМИЯТНИ МАЪНАВИИ ВА АХЛОҚИЙ ЖИҲАТДАН ЯНГИЛАШ

Халқ демократик партиясини инсонлар ва халқлар устидан ўн йиллар давомида юқоридан ўтказиб келинган эўравонлик мафқурасини қатъий рад этади. Биз қонун давлат шовинизми, миллатчилик ва экстремизмни узил-кесил қоралаймиз. Сибсат, маданият, миллатлараро муносабатлар эзгулик, адолат, ҳалоллик ва виқдорликни тўғрисидаги умумбаршир тасавуурларга асосланиши керак. Бизнинг дунёқарашларимиз асосида олдин ва ҳар бир инсонга тушунарли бўлган тушунчалар — инсонпарварлик, фаровонлик ва олинган бахт-саодати, халқчилик, ватанга муҳаббат тўғрисидаги, барча кишиларнинг эркинлиги ва тенглиги, ижтимоий адолат тўғрисидаги тушунчалар ётади.

Партия жамиятни замонавий ютуқларидан воз кечмаган ҳолда Ўзбекистон халқларининг маънавий манбаларига этибор беришга қақриди. Биз сифатимизда ахлоқий негизларнинг муқтақамланишига бутун чоралар билан ҳаракат қилаймиз. Барча миллатлар ва халқларнинг аънавларини, диний эҳтиёжини, маданиятини ҳурмат қилиш, улар ўртасида дўстликни муқтақамлаш ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз.

Партия ўтмишда йўл қўйилган миллий маданиятларини ривожлантиришга юзакки ёндашуларини қатъий қоралайди, ўзбек миллий маданияти ва халқ ижодиётининг ўзига хос хусусиятларини қайта тиклаш учун курашади. Аини пайтда миллий ўзига хослигини қарор топиши умумбаршир маданий меросдан яққаланиб қолишга олиб бормаслигин зарур.

Партия халқимиз даҳоси билан яратилган ва ғайриқонуний равишда жумҳуриятдан ташқарига олиб кетилган ҳамма санъат асарлари, қимматли қўлемалар унинг ўзига қайтарилиши керак, деб ҳисоблайди. Биз тарихий ёдгорликлар сақланиши ва қайта тикланиши, республика «Мерос» дастури изчилик рўёбга чиқарилиши тарафдоримиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясини ўзбекиларнинг она ери шун ерда яшаётган ҳамма инсонлар учун, уларнинг миллатидан қатъи назар азиз ва севимли макон бўлиб қолишига ҳаракат қилади. Биз республиканимизда яшовчи барча халқларнинг миллий маданият марказларини ривожлантиришга тарафдоримиз. Халқлар ўртасида маънавий, ўзаро бойиш, қадимий халқ аънавлари, байрамлари ва маросимлари қайта тикланиши тарафдоримиз. Партия миллий ва жаҳон маданиятининг ютуқлари моддий таъминланишдан қатъи назар, ҳар бир оила, ҳар бир киши баҳраманд бўлиш учун қўлай шарт шартлар яратиш лозим, деб ҳисоблайди. Иқдор қиёлиларнинг маънавий куч-гайратини эркин қилиш, уни мафқурасини василлик ва сибсий назорат таъинидан ҳоли этиш ҳам муқимдир.

Биз санъат ва маданиятнинг тижоратланишга бошланганига қатъий қаршимиз. Партия аҳолини, айнакка ёш авлодга ахлоқийликнинг маънавий негизлари ва туршунчаларига, инсонпарварлик ва ахлоқийлик қондларига вид бўлган барча нарсалардан ҳимо қилиш учун барча жамоат кучлари билан ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Партия дахрийлик ва дин тўғрисидаги содда тасавуурлардан тамомлаи ҳалос бўлиш, маънавий изчиликлар учун ҳар бир кишига кенг имкониятлар оқиб бериш, шахсининг ўзини маънавий камол топтиришга, ўзининг ҳаётий йўналишларини эркин ва онгли танлашга интилишини ҳар томонлама рағбатлантириш керак.

Биз мавжуд фан-техника имкониятидан самарали фойдаланиш, республиканинг ақл-заковат мулкни, муаллимлик ҳуқуқини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимо қилиш тизимини барпо этилиши тарафдоримиз. Ўзбекистон суверенитетини бошқа республикалар ҳамда хоржий мамлакатларнинг илмий жамоалари ва олимлари билан таркиб топган алоқаларининг янги даражаларга кўтарилишига ёрдам беради.

Биз ақл-заковат имкониятини жадал ривожлантирмай туриб республиканимиз чинакам муқтақиллик ва гуллаб-йишани таъминлаб бўлмаслиги тўғрисидаги теран ва равшан тушунчани одамлар онига синдириши зарур деб ҳисоблайди. Бунда партия айнакка, Ўзбекистон ва минтақа учун зарур бўлган муаммоларга оид илмий ишларни маблаг билан таъминлашни кўпайтириш, илм-фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш юзасидан муқтақил республика валюта жамғармаси ташкил этилиши учун курашади.

Партия оммавий ахборот воситаларида демократик ўзгартирилган, уларда фикрлар ва баҳолар хилма-хиллигини эркин ёритиш, аини пайтда журналистларнинг мақолалари ва эшиттирилган ҳақиқийликни да ҳолислиги учун масъулиятни ошириш тарафдордир.

### VI. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ПАРТИЯ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясини шунга аминки, бундан бунён ҳал қандай сибсий партия бевосита ҳокимият ваколатларини ўз зиммасига олмаслиги керак. Биз ҳар қандай ижтимоий-сибсий кучнинг ҳақиқат ва адолатнинг ўз монополиясига айлантиришга, эркин фикрларнинг бўғадиган мафқуран жамиятга тиқиштиришга, муқофликка ва сибсий келишмовчиликларни ҳал этиш усули сифатида «душман образ»ни шакллантиришга қаршимиз.

Партия ўз дастурларини ишлаб чиқиб жамиятга тақдим этиш ва ўзга ижтимоий-сибсий кучлар билан эркин муносақаланиш орқали сибсий раҳнамоларга эришмоқчи. У қонунга мувофиқ равишда ўз номзодларини ҳокимият органларига сайловларга қўрсатади ва уларни қўллаб-қувватланиши ва сайланишини таъминлайди. Биз ўзининг сибсий йўлисини давлат ҳокимияти ва жамоат ўзини-ўзи бошқариш органларига сайланган партия аъзоларини орқали ўтказмоқчимиз.

Партия бошқа ижтимоий-сибсий кучлар билан ўзаро муносабатларини уларнинг ички ҳаётларига аралашмаслик, ҳамкорлик ва муносақаланиш қондларини, иттифоқлар ва зарур муросасалар асосида қуради. У касба-ушмалари, ўзига ҳайрихоҳ бўлган ва ижтимоий тараққиёт учун курашаётган жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик ва шериклик қилишга тайёрдир.

Партия хотин-қизлар ҳаракатини конституцион йўл билан қўллаб-қувватлашни, хотин-қизларга ўз ижтимоий ролин эркин танлаб олиш ҳуқуқи берилишини, барча даражаларда қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда хотин-қизлар иштирок этишларини, давлат ва жамоат органларида уларнинг тенг ҳуқуқли вакилик қилишларини ёқлаб чиқади.

Ёшларга доир сибсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда партия ташкилотлари ёшларнинг, болаларнинг жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари билан самийий ҳамкорлик қилишга, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларини фаол қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Партия барча кишилар учун, унинг Дастурига қўйилмаган, динга ишонуқчилар ва дахрийлар учун очкидир. У кенг ижтимоий мулоқот тарафдордир. умумбаршир маънавият ва ахлоқий қадриятлар, тинч-тотувлик ва меҳр-шафқат соҳасидаги турли эҳтиёқдаги диний бирлашмалар билан ҳамкорлик қилиш тарафдордир.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясини сибсий ҳаракатлар партиясидир. У она заманининг тинчлиги ва фаровонлиги учун толмай меҳнат қилади. Партия жамиятда ўзаро ёрдам, адолат ва тараққиётга интилаётганларни, кучи ва билимини муқтақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятга муносиб равишда кириши учун ҳаракат қилаётганларни бирлаштиради.



ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бошқаруви 15 ноябрь кун Тошкентда бўлиб ўтган пленуми кун тартибига...

Ғарбнинг туркистон тарихини ҳақиқат бора бора тарихий ҳақиқат бор эди-да! Нега шунчалар аянчли, эппасига совдиғу...

Ғарбнинг туркистон тарихини ҳақиқат бора бора тарихий ҳақиқат бор эди-да! Нега шунчалар аянчли, эппасига совдиғу...

Ғарбнинг туркистон тарихини ҳақиқат бора бора тарихий ҳақиқат бор эди-да! Нега шунчалар аянчли, эппасига совдиғу...

Ғарбнинг туркистон тарихини ҳақиқат бора бора тарихий ҳақиқат бор эди-да! Нега шунчалар аянчли, эппасига совдиғу...

Ғарбнинг туркистон тарихини ҳақиқат бора бора тарихий ҳақиқат бор эди-да! Нега шунчалар аянчли, эппасига совдиғу...

Ғарбнинг туркистон тарихини ҳақиқат бора бора тарихий ҳақиқат бор эди-да! Нега шунчалар аянчли, эппасига совдиғу...

Ғарбнинг туркистон тарихини ҳақиқат бора бора тарихий ҳақиқат бор эди-да! Нега шунчалар аянчли, эппасига совдиғу...

Маънавиятимиз ҳақида мулоҳазалар

ЗАНЖИРБАНД ТУЛПОРЛАР

—Сўзга тулпурингда! Унака қилма, болам. Сув муқаддас нарсая. Унга тулпурнинг оқ-қоғонига юзга тулпурнинг...

риб, биз гуноҳларга арақлаб кўрсатаётгандек туюлаверди... Ғарбнинг туркистон тарихини ҳақиқат бора бора тарихий ҳақиқат бор эди-да!

Ғарбнинг туркистон тарихини ҳақиқат бора бора тарихий ҳақиқат бор эди-да! Нега шунчалар аянчли, эппасига совдиғу...

Болалигимни эсласам донмо кўз ўнгимда қадрдон Кулобод қишлоғи жонланади. Узумзор боғларини, яшил дарахлар энтикиб хотирланышни...

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АСОСДА

«ҚОРАСУВ» пахта тозалаш заводи ва унга қарашли хўжалиқлар ноябрь ойини дастлабки ўн кун мобайнида Россия Федерациясида 1500 тонна сабзот хом ашёси ўзлаштирди...


ҲОМИЙЛАРИМИЗ КЎПАЙСА... ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЕДГОРЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ X КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИШ УТДИ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ МУЗОКАРАЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

СИАНУК БАЁНОТИ КАМБОДЖА Миллий Олий Кенгаши раиси валиахд Нордом Сианукнинг Камбожгага қайтиши жуда катта тағталарга айланб кетди...



Фан арбоблари ҳақида ҳикоялар



СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Тоймас Соттиевич Йўлдошбоев.

ИЛМ-ФАН ўз тараққиётида чегара билмайди. Аммо унинг турли доволари бор. Ана шу чўққиларни сабр-тоқат билан эгаллаган ҳар бир олим ортида қолган манзилга бир назар ташлаш турган гап. Шу фурсат унга озми-кўлими ором беради. Кейин «нафас рост-лаб олдинг, қани яна олдинг, мина билан қудуқ қазиндек машаққатли ишинг қорлапти, элинг учун хизмат қилиб қол» деган туйғу уни янги марра сари етказлади. Бу йўл чиндан ҳам мушкул ва муқаддасдир. У толиқтиради, тўсиқларни енгиш жараёнида чинқиради. Илмийларнинг самара берганда эса, руҳининг энгил тортириб, борлиқни кўзинга қароғон этади.

Бир неча кундирки, Тоймас Соттиевич Йўлдошбоев ана шу кўтаринки кайфиятда. Бу бежиз эмас. Унинг кичик бир илмий ходимлиқдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг музбундига қадам қўладиган кўтаринки бўлиб қолди. Биринчи республикамизнинг йиллик фаннинг асоси бўлиб қолди. Жон астрономия фани ривожига барқарорлик хисса қўшган тадқиқотчининг йиллар давомидаги меҳнати эса кетмади. У бир қатор ҳаммасилари каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби эканлиги билан тақдирланди. Бу кутлуқ мукофотга у 60 ёшида эришди. Хушбахтардан воқиф бўлган олимнинг шоғирлари, дўстлари, қариндош уруғларини кўнгиллари чоғлигини айтмайди. Тоймас Соттиевич кутлуқлар қуришдан қолди. Шундай пайларда инсон ўз ўтминини ёдга оларкан.

Тоймас Тошкентдаги 19-ўрта мактабни олтин медал билан битириб Москва дорилфунунининг физика куллига ўқишга кирди. У талабалик йилларидаёқ шу соҳага чин илос қўйганили, ўша иттилуқчилиги, лаборатория машғулотларини сидқидилдан бақариши билан эътибор қозонди. Бора-бора ўқитувчилари уни талабаларнинг илмий жамия-



тига жалб этдилар. Тоймас қилган маърузалар, ундан чиқариладиган хулосалар дорилфунунининг нуфузли олимларида нисбий таассурот уйғотди. Пойтахтда ўтган илмий анжуманлардан биринчи бу қобилиятини янги бундан мулоқотда бўлган олим, таъини физик Соҳиб Азимович Азимов унга Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-техника институти очилганлигини айтиб ва ўқини битирган шу илмий олимнинг аспирантурасига боғишни маслаҳат берди.

Бу Тоймас учун катта кувонч эди. Худди шундай бўлди. Москвадан сўнг уни Тошкент яна ўз бағрига олди. Уша вақтда институт директори бўлган зарбалар олим Убай Орипович Орипов ҳамда лаборатория мудири Соҳиб Азимович Азимовлар мураббийлик қилишди. Аспирантура учун ажратилган уй йил ҳам ўтди. Бу муқаддас вақтда астойдил иштиёқ қўйган Т. Йўлдошбоевда тадқиқот ишларига яна ҳам масъулият билан ёндошиш кераклигини, муаммолар олдига тез чўқмаслик ҳиссиётини шакллантирди.

Биз очган лаборатория мутлақо янги, деди бир кун Соҳиб Азимович.— у космик нурлар хусусиятини ўрганади. Сиз космик нурлар таркибидagi зарраларда рўй берадиган ўзгаришлар турғисида маълумот йиғасиз. Яна бир нарсани унутманг, олим бўла-

ман деган одам бир мавзуга ёнишганча қотиб қолмаслиги керак. У албатта, бошқа мавзулардан хабардор бўлиши, ўз тадқиқотларини қисқаб борши ҳам зарур.

Т. Йўлдошбоев устози бу фикрини нега алоҳида таъкидлагани кейинроқ тушунди. Дамла уни Тошкент дорилфунунида ўзи очган яро физика-техника институти лабораторияга ҳам тортди. Бу олимнинг муаммолари лабораторияда ҳам тортди. Бу олимнинг курслардан иккитасига атом ҳамда ядро физикасидан дарс ўта бошлади. Шу тариқа унда назарий ва амалий илм бойлиги тўпланиб борди. Энди унинг зиммасида жуда катта толиқрик ҳам турур эди. Тоймасга Москвадаги физика институти, Москва Давлат дорилфунуни ва азиям пойтахтдаги Лебедев номи физика тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда 1955—57 йиллар давомида космик нурларни ўрганиш бўйича бутуниттифок экспедициясида қатнашиш вазифаси топширилди.

Тадқиқотлар Помир тоғида ўрнатилган замонавий детекторларда олиб борилди. Шу иш жараёнида москвалик талабалик олимлар — академик Александр Евгеньевич Чудаков, академик Георгий Тимофеевич Зацепинлар ўзлари билан ёнишганча ўз тадқиқотининг истеъдодлини юқори баҳолаган эдилар.

— Тоймас, сени Помир тоғида, космик зарраларнинг сени аниқлаган нуклондан ҳарорати қисматининг йўлчи юлдуздек яритиб турибди. Келажикнинг порлоқ эканлигига шондоним қонил,— деди Александр Евгеньевич.

Башорат тўғри бўлиб чиқди. Кейинчалик Тоймас Соттиевичнинг ўзи Зоминда яқин жойда табиати сулим, осмони ҳаммаша мусаффо бўлган Кумбел довоининг 3200 метрлик баландлигида космик нурларни текшириш станциясини қуришда фаол иштирок қилганда, нурларнинг зарралари энергиясини ўлчаб бера оладиган дунёда ягона бўлган Черенков детекторлари қурилмасини ўрнатиб, уларда мусаффақиятли тадқиқотлар олиб борганда мураббий юз фоиз ҳақлиги янада равшанлашди.

Илмий сафарда Тоймас космик зарралар хусусияти қанча баландликда аниқланса, уларда энергия шунча юқори бўлишини батафсил таҳлил қила оладиган бўлди. Унинг бу тадқиқоти 1962 йилда физика-математика номдоқи унвонини мусаффақиятли ёқлаш имконини берди.

гунги самараси ҳақида ҳам унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида ҳам бирор нарса айтолмасмики!

У кўлиб қўйди. — Бизнинг тадқиқотимиз фундаментал тадқиқот,— деди сўнгра.— у келажикни кўзлаб олиб борилади. Бир вақтлари Герц магнит майдонини ҳақида назария яратганида, унинг нафига шубҳа бўлган қараганлар ҳам билган эди. Энди эса магнит майдонига асосланган телеграф ҳаммаимизнинг қўл-оғирини бўлиб қолди. Космик нурлар билан боғлиқ тадқиқот самолёвий изланишларимиз, космонавтика учун беҳисоб хизмат қилиши тайин...

Яна сўхбатимиз Кумбел қурилмаси мавзусига қўчди. У ерда олтинган натижалар Тоймас Соттиевичнинг номини жаҳонга танитди. Бу жуда маълум қўшма хизмат самараси эди. Тошкентлик физикнинг ютуқларини АҚШда худди шундай тадқиқот олиб боратган олим Джонс ҳам таъкидлади. «Биз қурилмани Совет Иттифиқидан бир йил аввал фойдаланишга топширдигу, аммо хулосалар олишида адаш-

тишлар олиб боряптиз. Бундай телескоплар Ўрдада дунёнинг атти жойида изланишлар олиб боришмоқда.

Шуни айтиш керакики, француз телескопларининг майдони унчалик катта эмас. Лекин гамма нурлари бўйича Тоймас Соттиевич бошчилигида яратилган телескоп катталиги билан ажралиб туради. Автоматлашган бу қурилманинг майдони 10 квадрат метрдан иборатдир. Ҳар бир оптик қўшунининг кенглиги 60 сантиметр. Телескоп Москва физика институти билан ҳамкорликда академиямизнинг конструкторлик бюросида яратилган замонавий қурилмадир. Унинг муҳим бир хусусияти тунда юлдузларнинг изидан қолмай, «ишчи» қўшмай уларнинг сирини ўрганилади. Мавлўмотларни эса ЭҶМ орқали бошқариладигани учун мавлўм бир банка йиғади. Катта телескоплар Олмаотада, Хиндистонда ҳам ўрнатилди. Бир йўла уч жойдан туриб тадқиқотлар олиб борилади. Энг юқори энергияга эга бўлган юлдузларнинг нуклонлар электрон волти энергияга эга нурларини ҳам тадқиқ қила олади.

Тоймас Соттиевич тиниб-тинибмади, дом изланишда. У институтидаги қўш физика-си, юлдузлар ўзгаришчилигини кузатиш, астрометрия йўлида кўчатириш борисида ҳам зарур тадбирлар белгилади. Директор олимларда ўтмиш меросимизга, кашфиётларга меҳр ва ҳурмат билан қараш туғулганини шакллантирмоқда. Шу кунларда институти жамоаси астроном олим, алоҳи Улуғбек турган куннинг 600 йиллигини нишонлашга тайёргарлигини бошлаб юборди. Улуғбек ҳаёти, фойлияти билан боғлиқ илмий рисолавлар яратилди. Бу ана шарофат астрометрия бўлимида изиб йилдан ҳам ортиқроқ юлдуз келадиган, Галлей кометасини 1910, 1986 йилларда кўзатган телескопларни янада тақомиллаштиришга киришилди. Бу тадбирлар институти олимлари амалга оширадиган. Улар орасида Тоймас Соттиевичнинг шоғирлари ҳам анчагина.

Улардан қўшлари махрибон мураббий раҳбарлигида номзодлик, докторлик диссертациясини мусаффақиятли ёқлаган кишилар. Заҳматқаш тадқиқотчи Т. Йўлдошбоев фақат илм-фанда эмас, ахил оила бошлиги, ибрат олса арзишадиган ота сифатида ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг умр йўлоши — Тамилла ота санъатшунослик институтида илмий ходим. Қизи Жамила — ТошДУ ўқитувчиси, ўғли Искандар — бўлуғси шифокор. Отанинг фандоғи мусаффақиятларидан улар ҳам мамун.

Ота эса илмий даргоҳда ҳам, оилада ҳам ҳаммаша йўлчи юлдуздек шоғирларига, фарзандларига йўлларини раво этиб келмоқда.

— Иккинчи йўналишимиз Франциядаги «Индан дорилфунуни олимларини ҳам қизиктириб қолди,— деди Тоймас Соттиевич.— улар ўзларидан кўрган қўш телескопларини бизга беришган. Уни Чинмен тоғида ўрнатиб куз-

«ЎТИРИБ ЭШИТГАНДАН, ТИК ТУРИБ ЎЙНАГАН АФЗАЛ»

«ОБИЛЕЙ» СПОРТ САРОИДА УТКАЗИЛГАН «ОЛҚИШЛАР» («НА БИС») ТЕЛЕ-ШОУСИГА ИЙГИЛАНЛАР АНА ШУ ФИКРГА КЕЛИШДИ

«ОБИЛЕЙ» спорт сароиди яқин орада шу кунги йилгиланчлик одами ўз бағрига олган бўлса керак. «Бинокор» хоккей командаси тарқаб кетганидан кейин ўз йўналишини йўқотган ва даярлик қаровисиз қолиб кетган бу сарой, гоҳи-гоҳида ўтказиб туриладиган «Муз устида балет» намойишларини ҳисобга олмаганда, айтарли тадбир уюштирмаган ва одамлар назаридан йироқлашиб бораётган эди.

Нихот... Бу сўз айтилгунча «Сарой ахли» қанча қийинчиликларга, тўсиқларга дуч келганиликларига фақат уларнинг ўзларига маълум. Бу ерда иш бошлаганларига ҳали учра кўп вақт бўлмаган икки аш ишбилармон раҳбарлар — директор Шухрат Исмолов ва унинг муовини Ҳасан Абзаловлар ҳам ўз ёлларини амалга ошириш учун анча елиб-юғришларига тўғри келди.

Фақат муз устида ўтказилган тадбирлар уюштирилишини кутавсерак, саройимиз умуман хувилаб қоларди,— дейди Х. Абзалов.— Чунки бизда бу «соҳа» унча ривожланмаган. Шунинг учун брша пайларда саройда концертлар ўтказиб, ранг-баранг дастурлар намойиш қилишни режалаштириб қўйдик. Кези-кезанда уни муз билан қоплаб турди тадбирлар ўтказаваримиз. Саройнинг йўналишини ўрганиш учун номини йўқотган «Обилей» ўрнига муносиброқ ном топиш устида изланилмиз.

Саройдан унумли фойдаланиш, унга аҳолини жалб қилиш йўлини топиш жамоаси «Обилей» концерт гуруҳи — «Болалар» концерт банди, ўзларининг туртинчи альбомларини муҳлисига тавсия қилишди.

Концерт-спорт мажмуи ўзини унча йўналишини тиллаган экан, биз унинг жамоасига мусаффақиятлар тилаймиз. Ишонимизки, сарой яқин кунларда барчанинг сезилиш масканига айланади ва вақти келиб у нафақат мусиқа шинавандаларини, балки спорт ишқобозларини ҳам ўз бағрига қорлайди.

Шахноза АБДУШОҲИДОВА. Мухаррир Н. НАСИМОВ.

5500 ЙИЛ ИЛГАРИ ҲАМ ВИНО ТАЙЁРЛАШГАН. ЖУМБОҚ БУЛИБ ҚОЛМОҚДА. 84 МИНГА НИШОН ЭГАСИ. МУШУҚЛАРНИНГ РАЙОБИ СЕВМЛИ МУШУҚЛАРНИНГ...

ЯШАШ ЖОЙИНГИЗНИНГ НОМИНИ БИЛАСИЗМИ? ПАРКЕНТ — ҳозирги Паркент ноҳиясининг номи. Илгари у Юқори Чирчиқ ноҳиясидаги қишлоқ номи бўлган.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР. ПАХТА ЕТИШТИРИШ ХУЖАЛИКЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Жумҳуриятимиз Президенти фармонларига биноан етиштирилган умумий ҳосилнинг 5 фоизи ва режадан ортқ йиғиб олинган пахтанинг 100 фоизи хўжаликлар ихтиёрида қолган.

Тошкент НАҚИКАТИ. МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ. БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ: 70000 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.